

УДК 677.072.6

**ТИКУВ ИПАК ИПЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ УСТИДА ИШ
ОЛИБ БОРИШ****С.У. Гафурова**

АРМ библиографи, Тошкент тукумачилик ва енгил саноат институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7193409>

Annotatsiya. Mazkur maqolada pillachilik sohasida yangi ilg'or texnologiyalarni joriy etish, tabiiy ipakdan tikuv iplarini olish texnologiyasi haqidagi ma'lumotlar keltirilgan.

Калим сўзлар: хом ипак, табиий ипак, ипак ишлаб чиқариш, ипакни қайта ишлаш, тикув иплари.

**РАБОТА НАД ТЕХНОЛОГИЕЙ ПРОИЗВОДСТВА ШВЕЙНЫХ ШЕЛКОВЫХ
НИТОК**

Аннотация. В данной статье представлен информация о внедрении новых передовых технологий в области коконирования, технологии получения швейных ниток из натурального шёлка.

Ключевые слова: шелк-сырец, натуральный шелк, производство шелка, переработка шелка, швейная нить.

WORK ON THE TECHNOLOGY OF PRODUCTION OF SEWING SILK THREADS

Abstract. This article provides information on the implementation of new advanced technologies in the field of cocooning, the production of sewing threads from natural silk.

Keywords: raw silk, natural silk, silk production, silk processing, sewing threads.

КИРИШ

Ҳозирги кунда хом ипак ва ундан тайёрланган мато, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш уларнинг сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида қатор хорижий мамлакатларда, жумладан, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Бразилия, Жанубий Кореяда маълум ютуқларга эришилган. Пилла чувиш ва хом ипак ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи технологияларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларда табиий ипакли кийимларни тайёрлашда тикув ипларини турларини етишмаслиги ҳамда бошқа тола таркибли ипларни қўлланиши эксплуатация ҳамда ювиб-қуритиш жараёнида чокларни турли киришиш ҳолларига олиб келиши туфайли сифат бузилиши каби муаммоларни ечиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам, ипак тикув ипларини ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологияларини ва усулларини, унинг янги ассортиментларини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳонда ипакни қайта ишлаш техника ва технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда, жумладан табиий ипакдан тикув ипларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш технологиясини яратиш сезиларли даражада ошди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамызда ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча кийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ипакчилик саноатини модернизация қилиш орқали ички ва ташқи бозорда ипак маҳсулотлари

рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, ипак ишлаб чиқаришда энергетик харажатларни камайтиришни таъминлайдиган энергиятежамкор технологияларни яратиш ва такомиллаштириш ўта муҳим аҳамиятга эга. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш, жумладан янги структурали тикув ипларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон ««Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат килади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Табиий ипакдан олинган тикув иплари турларини ишлаб чиқариш илмий асосларини, тўқимачилик ва енгил саноат техника-технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлар, табиий ва кимёвий толаларини қайта ишлашда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг камровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Manchester University (Англия), Ghent University (Бельгия), International Association of Silk Road University (Япония), Kyoto University (Япония), Dortmund Technical University (Германия), Sichuan University (Хитой), University of Piraeus (Греция), South Indian Textile Research Association (Ҳиндистон), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Хом ипак, ипак маҳсулотлари технологияларини такомиллаштириш ва тайёр ипларнинг замон талабларидаги турларини яратиш борасида жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: тикув ипларини мосланувчан технологик жараёнларини автоматлаштирилган тизимлари ишлаб чиқилган (Tajima, Япония; Eton Ups, Швеция; Schonenberger, Франция; Datatron, Германия); сифати яхшилانган табиий ипакдан тикув ипларини ишлаб чиқариш усуллари (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда сифатли ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларининг технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори ипакчанликка эга бўлган янги зот ва дурагай пиллаларини яратиш асосида юқори сифатли хом ипак олиш технологиясини такомиллаштириш; табиий ипак хусусиятларига ўхшаш тусли ипларни яратиш; синтетик толалар ва технологияси асосида маҳсулотларнинг рақобатбардош янги турларини ишлаб чиқариш усуллари ва технологиялари.

Ипак ўз хусусиятлари билан табиий толалар ичида энг юқори кўрсаткичларга эга, аммо дунё тўқимачилик хом ашёси улушида энг кам миқдорни ташкил этади.

Дунё бўйича тўқимачилик хом ашёсини ишлаб чиқариш, млн. тонн (%)

Йил	Пахта	Кимёвий толалар, жумладан		Жун	Ипак	Умумий (100%)
		синтетика	сунъий			
2010	25,5(30,0)	51,3(60,3)	5,7(6,7)	3,3(3,8)	0,130(0,15)	85,0
2015	25,0(26,7)	60,0(64,0)	5,3(5,6)	2,8(3,56)	0,130(0,14)	93,3
Башорат						
2050	27,1 (19,5)	100,7(72,5)	7,5(5,4)	3,5 (2,5)	0,160(0,12)	139,0

МУҲОКАМА

Жадвалдан кўришиб турибдики, 2015 йилда дунё бўйича тўқимачилик толалари умумий ҳисобда 93,3 млн. тонна, пахта толаси 25,0 млн. тонна (26,7%), синтетик тола 60,0 млн. тонна (64,0%), сунъий тола 5,3 млн. тонна (5,6%), жун 2,8 млн. тонна (3,56%) ва ипак толаси 0,130 млн. тонна (0,14%) ни ташкил этган. Олимлар томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра, 2050 йилларга бориб дунё тўқимачилик толалари хомашё балансида ипакнинг улуши 0,12% ни ташкил этиши кутилмоқда.

ХУЛОСА

Тўқимачилик хомашёларини ишлаб чиқариш бўйича халқаро Ассоциациялар статистик ҳисоботларининг аналитик тадқиқи асосида 2015 йилдан унинг дунё баланси ва 2050 йилларгача прогнози тузилиб, тўқимачилик хомашё балансида табиий ипак улуши секин-аста пасайиши ва 2050 йилга бориб, мос равишда 0,14-0,12 % оралиқда бўлиши кўрсатиб берилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий табиий ипакдан тикув ипларини назарий асосланган технологиясини яратиш долзарб муаммо ҳисобланади.

REFERENCES

1. Алимова Х.А. Жаҳон бозори шароитида ипак маҳсулотларини сифатини ошириш ва ассортиментини кўпайтириш // Ж. Ипак. -1998. -№1. –Б. 6.
2. <http://uzbekipaksanoat.uz/>
3. Алимова Х.А. “Ипакни эшиш” Тошкент, “Шарқ”, 2001